

4-12-2019

Ferghana in 70 years of XV century

B. Usmonov

Ferghana State University, Ferghana, Murabbiylar 19, fdujournal@fdu.uz

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/fdu>



Part of the [History Commons](#)

Recommended Citation

Usmonov, B. (2019) "Ferghana in 70 years of XV century," *Scientific journal of the Fergana State University*. Vol. 2 , Article 6.

DOI: 930.9

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/fdu/vol2/iss1/6>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific journal of the Fergana State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

УДК: 930.9

**XV АСРНИНГ 70-ЙИЛЛАРИДА ФАРҒОНА
ФЕРГАНА В 70-Е ГОДЫ XV ВЕКА
FERGHANA IN 70 YEARS OF XV CENTURY**

Б. Усмонов

Аннотация

Мақолада XV асрнинг 70-йилларида Фарғонада юз берган воқеалар Мовароуннаҳр ва Мўғулистондаги сиёсий жараёнлар билан боғлиқ ҳолда кечганлиги ёзма манбалар асосида таҳлил этилган.

Аннотация

В статье на основе письменных источников проанализированы события, произошедшие в 70-х годах XV века в Ферганае, в тесной связи с политическими процессами в Мавераннахре и Моголистане.

Annotation

The article studies the written historical sources of the process of events which took place in Fergana in the 70s of the century and these events were developed in close connection with the political process in Maverannahr and Mogolistan.

Таянч сўз ва иборалар: Юнусхон, Умаршайх мирзо, Султон Аҳмад мирзо, Фарғона, Мовароуннаҳр, Мўғулистон, Аҳси, Андижон, Тошкент, Сайрам, Шоҳруҳия, вилоят, вассал, черик.

Ключевые слова и выражения: Юнусхан, Умаршейх мирза, Султан Ахмад мирза, Фергана, Мавераннахр, Моголистан, Ахси, Андижан, Ташкент, Сайрам, Шахрухия, вилайет, вассал, черик.

Key words and expressions: Yunuskhan, Umarsheikh Mirza, Sultan Ahmad Mirza, Fergana, Maverannahr, Mogolistan, Ahsi, Andijan, Tashkent, Sairam, Shahrukhia, Vilayat, vassal, army.

Умаршайх Мирзо ҳукмронлиги даврида Фарғона водийсидаги сиёсий воқеалар Мовароуннаҳр ва унга қўшни бўлган Мўғулистондаги вазиятга бевосита боғлиқ ҳолда кечди. Бу вақтда Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари Султон Аҳмад мирзо, Ҳисор ва Бадахшон Султон Маҳмуд мирзо, Фарғона водийси Умаршайх мирзо, Тошкент, Сайрам, Шоҳруҳия шаҳарлари эса амир Шайх Жамол қўли остида бўлиб, уларнинг бирортаси яққол устунликка эга эмас эди. Самарқанд ҳукмдори Султон Аҳмад мирзо укаси Умаршайх мирзони ўзининг вассали сифатида билар, Умаршайх мирзо эса ўзини мустақил ҳукмдор деб ҳисоблар, унда ҳатто Самарқанд тахтини эгаллаш орзуси ҳам йўқ эмасди. Бу эса кўп ўтмай улар ўртасида ўзаро курашнинг бошланишига олиб келди. “Чун Умаршайх мирзо, - деб ёзади Бобур мирзо, - баланд ҳимматлик ва улуғ доиялик подшоҳ эрди. Ҳамиша мулкғирлик дағдағаси бор эрди, неча навбат Самарқанд устига черик тортди, баъзи маҳал шикаст топти, баъзи маҳал бемурод ёнди” [1,9].

Дарҳақиқат, Бобур мирзо таъкидлаганидек, Умаршайх мирзонинг Самарқандни забт этиш мақсадидаги юришлари ҳеч қандай натижа бермаган. Умаршайх мирзонинг ўз мулкни доимий равишда кенгайтириб боришга уринганлигини тарихчи Хондамир ҳам таъкидлайди: “Ва Мирзо Умаршайх Кўрагон жаннатмакон отасининг тириклик айёми ниҳоясига етгач, ҳиммати юксаклиги орқасида Андижон вилояти тушумига қаноат қилмасдан, доимо юрт олишлик ўй-фикрида Султон Аҳмад мирзонинг мамлакатига қўл чўзиб, низо

эшиқларини очиб юрди. Худди шу каби баъзида Мўғулистон томонга қўшин тортар ва ул диёр аҳолисининг тинч турмушига халақит бериб, зиён-заҳмат етказарди. Шу жиҳатдан ул ҳазрат билан Юнусхон ўртасида нифоқ чанги кўтарилар ва қаршилиқ, душманлик алангаси мўғулларнинг ички ўчоғига ўт ташларди. Аммо шунга қарамай, бир неча бор Юнусхон ота-болалиқ сабаби ҳуқуқи мулоҳазасига кўра Мирзо Умаршайх Кўрагонни ўз олдига чақирди ва инсонийлик расмини тутиб, бир нечта жойни ул ҳазратнинг меросий мулкига қўшиб берди. Аммо Умаршайх мирзонинг муддаоси бундан ҳам ортиқроқ бўлгани учун бу янглиғ инъом ва бахшиш туфайли уруш ва қон тўкишлик олови сўниш сифатини топмади” [2,25].

Хондамир берган маълумотлар бошқа манбалардан бирмунча фарқ қилади. Масалан, Умаршайх мирзо Мўғулистон ҳудудига қўшин тортиб борганлиги, Юнусхоннинг унга мулклар инъом этганлиги ҳақидаги маълумотлар бошқа тарихий манбаларда учрамайди. Юнусхон ва Умаршайх мирзо ўртасидаги ягона жанг ҳам Фарғона водийсида бўлиб ўтади, бу ҳақда қуйида кенгроқ тўхталамиз. Юнусхон эмас, аксинча Умаршайх мирзо Султон Аҳмад мирзо ҳужумларидан ҳимояланишда ёрдам олиш мақсадида Юнусхонга Фарғона водийсидан бир неча бор мулклар инъом этганлиги маълум. Шунинг учун ҳам Хондамир маълумотларининг мазкур қисмларига қўшилиб бўлмайди.

Лекин Хондамир келтирган ушбу маълумотларнинг пайдо бўлиши ҳақида мулоҳаза юритиш фойдадан холи эмас. Албатта,

Б. Усмонов – ФарДУ Ўзбекистон тарихи кафедраси доценти.

ТАРИХ

Хондамир Умаршайх мирзонинг Мўғулистонга борганлиги ҳақида бизга маълум бўлмаган маълумотларга эга бўлган бўлиши мумкин. Шу ўринда Мирзо Ҳайдарнинг қуйидаги хабари эътиборимизни жалб этади: “Умаршайх мирзо бир неча марта Мўғулистонга бориб, у ерда бир-икки ойлаб қолган. Баъзан у хонни Андижонга чорлар, хон ҳам бир-икки ойлаб Умаршайх мирзо хонадонидан турсан” [3,120-121; 4,158]. Демак, Умаршайх мирзо бир неча марта Мўғулистонга борган. Гарчи Мирзо Ҳайдар бирор бир санани келтирмасда, Умаршайх мирзо меҳмон сифатида Мўғулистонга бир неча марта борганлигини қайд этган. Бу ҳолатда Мирзо Ҳайдар бу ташрифларни меҳмон сифатида бориш, Хондамир эса сиёсий-ҳарбий юриш сифатида баҳолаган бўлиб чиқади. Бизнинг фикримизча, Хондамирнинг юқорида таҳлил этилган фикри муболағалидир. Агарда Умаршайх мирзо Мўғулистонни забт этиш ёки талон-торож қилиш мақсадида юриш қилганида, бу юриш бошқа тарихий манбаларда ҳам маълум даражада акс этган бўлар эди. Бундан ташқари, Шайх Жамол вафотидан кейин Мовароуннаҳрда вужудга келган сиёсий вазият Фарғона ҳукмдорининг Мўғулистонга юриш қилишига имкон бермасди.

Ўзаро низолар аслида Тошкент ҳокими Шайх Жамолнинг машҳур мўғул амири Каримберди дуғлатнинг жияни амир Абдулқундус томонидан ўлдирилиши билан бошланди. Расман Самарқанд ҳукмдори Султон Аҳмад мирзога бўйсунган, амалда эса Тошкент, Сайрам ва Шохрӯҳияни мустақил бошқарган Шайх Жамолнинг ўлдирилиши воқеаси, мирзо Ҳайдарнинг хабар беришича, ҳижрий 877 (милодий 1472-1473) йилда рўй берган [3,119; 4,157]. Шайх Жамолнинг қудратли амирлардан бири бўлганлигини, у Мўғулистон хони Юнусхонни бир йилга яқин муддат давомида асирликда сақланганлигидан ҳам билса бўлади. Шунга қарамай, кутилмаганда Шайх Жамолнинг мўғул амири Абдулқундус томонидан ўлдирилиши Юнусхоннинг озод бўлишига олиб келади. Мўғуллар Шайх Жамолга қаршли ҳудудларни забт этишга журъат қилишмайди ва Мўғулистонга қайтиб кетишди. Уларнинг ўз юртига қайтиб кетишларига қалмоқларнинг Мўғулистонни тарк этиши ҳам таъсир қилган эди [5,356].

Хуқуқий жиҳатдан Шайх Жамолнинг ҳукмдори бўлган Султон Аҳмад мирзо эса Тошкент, Сайрам ва Шохрӯҳияни ўз мулклари қаторига қўшиб олади. Ушбу воқеа натижасида Самарқанд ҳукмдорининг мавқеи кескин ошиб кетганлигини ҳисобга олган Юнусхон Султон Аҳмад мирзо билан яқин муносабатда бўлишни маъқул кўради. Қалмоқларнинг ҳужумлари тугайли Мўғулистонда мавқеи кучсизланиб

қолган Юнусхон катта қизи Меҳр Нигор хонимни Султон Аҳмад мирзога турмушга бериш орқали у билан қариндошлик алоқаларини ўрнатиб, темурийлар билан муносабатларни мустаҳкамлашга ҳаракат қилди. Юнусхоннинг мақсадини мирзо Ҳайдар қуйидагича баён қилади: “Юнусхон Бурунж ўғлонни ўлдиргач, катта қизи Меҳр Нигор хонимни Султон Абусаид мирзонинг ўғли Султон Аҳмад мирзога узатди. У илгари шундай деган: “Султон Абусаид мирзо мўғуллар билан темурийлар орасидаги душманликни дўстликка айлантирди, мен эса шу дўстликни қариндошликка айлантираман.” Султон Аҳмад мирзонинг умрини охиригача Меҳр Нигор хоним унинг ҳарамида қолди” [3, 120-121; 4, 158].

Юқорида айтганимиздек, Султон Аҳмад мирзо Тошкент, Сайрам ва Шохрӯҳияни тўлиқ ўзига бўйсундириб, бу ҳудудда ҳам ўз ҳокимиятини мустаҳкамлади. Бу эса Мовароуннаҳрда кучлар нисбатининг кескин ўзгаришига олиб келди. Аввал фақат Зарафшон ва Қашқадарё воҳалари устидан ҳукмронлик қилаётган Султон Аҳмад мирзонинг мулклари кенгайди ва Фарғона водийсига тўлиқ чегарадош бўлиб қолди. Натижада Умаршайх мирзо Мўғулистон ҳукмдори Юнусхон билан яқинлашишга мажбур бўлиб, бу яқинлашув ҳижрий 880 (милодий 1475-1476) йилда никоҳ билан мустаҳкамланди. “Шайх Жамол ўлдирилганидан кейин, - деб ёзади Мирзо Ҳайдар, - 880 (1475-1476) йилда Мўғулистонга келгач, Юнусхон иккинчи қизи Қутлуғ Нигор хонимни Султон Абусаид мирзонинг ўғли Умаршайх мирзога берди. Хон билан Умаршайх мирзо ўрталарида шундай самимият бўлганки, бунақаси ҳатто ота-ўғил ўртасида ҳам учрайди. Умаршайх мирзо бир неча марта Мўғулистонга бориб, у ерда бир-икки ойлаб қолган. Баъзан у хонни Андижонга чорлар, хон ҳам бир-икки ойлаб Умаршайх мирзо хонадонидан турсан. Ўша кунлари Умаршайх мирзо хонни Самарқандга юриш қилиб, Самарқанд тахтини Султон Аҳмад мирзодан хоннинг катта куёвидан тортиб олишга ва Умаршайх мирзога беришга тинмай гижгижлаган. Лекин хон рози бўлмаган” [3, 120-121;4,158].

Бу никоҳдан Юнусхон ҳам ўзига хос мақсадларни кўзлаган эди. Хоннинг асл мақсади Султон Аҳмад мирзонинг Фарғона водийсини ҳам бўйсундириб олишига йўл қўймаслик бўлиб, Мовароуннаҳрнинг Султон Аҳмад мирзо кўли остида ягона давлатга бирлашиши Мўғулистон манфаатларига зид эди. Лекин шу билан биргаликда Умаршайх мирзонинг ўз мулкларини кенгайтириб, Самарқанд ва Бухорони бўйсундириб олиши ҳам унинг манфаатларига мос келмасди. Шунинг учун Юнусхон фақат Умаршайх мирзога Султон Аҳмад мирзога қарши

мудофаа урушларида ёрдам берди. Умаршайх мирзо ўз акасининг ҳужумларидан сақланиш учун доимо Юнусхондан ёрдам олишга ҳаракат қилганлиги ва унга Фарғона водийсидан мулклар ажратиб берганлиги кўпгина муаллифлар томонидан таъкидланган [6, 26; 7,16-17].

Султон Аҳмад мирзо Юнусхон ва Умаршайх мирзони биргаликда юриш бошлашларига йўл қўймаслик мақсадида ўзи Фарғона водийси томон қўшин тортади. Лекин вазият урушгача етиб бормади. Юнусхоннинг шахсан ўзини катта лашкар билан Фарғона водийсига етиб келганини эшитган Самарқанд ҳукмдори юришни тўхтатиб, ўз ортига қайтиб кетади. Акасининг навбатдаги ҳужумидан хавфсираган Умаршайх мирзо Юнусхонни Фарғонада олиб қолиш мақсадида унга қишлоқ учун Аҳси вилоятини инъом этади. Айнан шу воқеа кейинчалик Умаршайх мирзо ва Юнусхон ўртасида уруш бошланишига сабаб бўлади.

Юнусхон билан Умаршайх мирзо ўртасидаги келишмовчиликлар ҳақида Абдураззоқ Самарқандий аниқ воқеаларни баён қилмаса-да, шунга ишора қилиб ўтади. “Шаҳзода ул вилоятнинг, - деб ёзади муаррих, - Мўғулистон чегарасида бўлган қалъа-ю шаҳарларини шундай мустаҳкамладики, у вилоятга киришу чиқиш мажболи мўғул лашкарининг хотиридан ҳам кечмай қолди. Бир қанча вақтгача жаҳонпано подшоҳнинг давлат қуввати туфайли у мамлакатнинг раийяти муҳолифлар зарар-заҳматидан эмин бўлиб, у вилоятнинг барча ерлари шаҳзода адолати кўмагида маъмур ва ободон бўлди. Юнусхон қанчалик ҳийлаю тадбир атрофида айланмасин, у вилоятга эга чиқолмади ва оқибат, ноумид бўлиб жўнаш жиловини Мўғулистон томон бўшатди” [7,639]. В.В. Бартольд Абдураззоқ Самарқандийнинг мазкур маълумотиغا таяниб, Юнусхон Фарғонани эгаллаб олишга ҳаракат қилганлигини, лекин унинг ҳаракатлари бесамак кетганлигини таъкидлайди [8,75]. Лекин бошқа тарихий манбаларда Юнусхоннинг Фарғона водийсига юриш қилганлиги хусусида маълумотлар йўқ. Бу ерда Абдураззоқ Самарқандий ўз вақтида водийнинг бир қатор мулкларини қишлоқ учун Юнусхонга инъом этилиши, баҳор келиши билан эса унинг Мўғулистонга қайтиб кетишга мажбур бўлганлиги ҳақида сўз юритган бўлса керак.

Икки ўртада низонинг келиб чиқиш сабаблари тўғрисида Бобур мирзо ва Мирзо Ҳайдарларнинг фикрлари бир-бирига жуда яқин. Бобур мирзо: “Неча навбат қойин отаси Юнусхонниким, Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чигатойхон наслидндур, Чигатойхоннинг юртида мўғул улусининг хони ул фурсатта ул эрдиким, менинг улўғ отам бўлғай, истидъо қилиб келтурди. Ҳар қатла келтурганда

вилоятлар берур эрди. Чун Умаршайх мирзонинг мудаосидек бўлмас эрди, гоҳи Умаршайх мирзонинг бадмаошлиғидин, гоҳи мўғул улусининг муҳолафатидин вилоятга тура олмай яна Мўғулистонга чиқар эрди,” деб ёзган эди [1,9]. Умаршайх мирзонинг хавф бартараф этилганидан сўнг мўғулларни бу ерда қолишини хоҳламаслиги тушунарли, албатта. Шунингдек, мўғул қабилалари ҳам қиш фаслини водийда ўтказишга мойил бўлса-да, ёз келиши билан ўз яйловларига қайтишни маъқул кўришарди. Айнан шу масалада ёшлиги Эроннинг шаҳару қишлоқларида ўтган Юнусхон билан мўғул қабила бошлиқлари ўртасида кўп бора келишмовчиликлар чиққанлиги маълум [3,119-120; 4,157].

Мирзо Ҳайдар эса “Тарихий Рашидий” асарида Юнусхон ва Умаршайх мирзо ўртасидаги низонинг келиб чиқиш сабабларини янада аниқроқ баён қилади: “Охири шундай бўлдики, хон ҳар қишда Андижонга келар, мўғул улуси Мўғулистонда қоларди. Хон эса ўзига яқин хизматкорлари билан Андижонга келарди. Умаршайх мирзо ўз вилоятларидан хонга маъқул бўлганини берарди. Баҳор келгач хон Мўғулистонга кетарди. Мирзо эса яна ўз вилоятини эгаси бўлиб қолаверарди. Бир гал Умаршайх мирзо акаси Султон Аҳмад мирзодан хавфсираб, Юнусхонни чорлаб унга Аҳсини берган. Хон Аҳсида қишлоқга жазм қилган. Бу ҳақида хабар Султон Аҳмад мирзога етгач, у юришни бекор қилган. Умаршайх мирзо Султон Аҳмад мирзонинг ҳужум қилмаслигидан хотиржам бўлгач, хоннинг Аҳсида ўтириши унга алам қилган. Чунки Аҳси Фарғона вилоятидаги энг катта шаҳар бўлиб, шаҳарларнинг онаси ҳисобланарди. Шу сабабдан у Юнусхонга қарши қўзғалди ва Така Секретку деган жой кўприги яқинида жанг бўлди”, деб таъкидлаган эди [3,120-121; 4,159]. Фарғоналик амирларнинг водийнинг энг йирик шаҳарларидан бири ва катта қалъасининг мўғулларга берилишидан норози бўлишлари табиий эди. Умаршайх мирзо ҳам ўз давлати манфаатларидан келиб чиқиб фаолият олиб борган.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, Юнусхон ҳар сафар ҳеч қандай жанг қилмасдан Фарғона водийсида мулкка эга бўлаверган. Чунки, унинг ёрдамга келганлигини эшитган Султон Аҳмад мирзо ҳам Умаршайх мирзо билан бирор марта жанг қилишга журъат этмаган. Умаршайх мирзонинг ҳужумга ўтишига эса Юнусхон йўл қўймаган. Бу ҳам маълум даражада Умаршайх мирзонинг ўз қайнотасидан норози бўлишига сабаб бўлган бўлиши мумкин.

Такасекретку жанги Умаршайх мирзонинг биринчи мустақил йирик жанги эди. Бобур мирзо ушбу жанг мазкур вилоятга алоҳида тарих бўлиб қолганлигини таъкидлаб, қуйидагиларни баён

ТАРИХ

қилади: “Юнусхон била Андижоннинг шимол тарафида Сайхун дарёсининг ёқасида Такасекретку деган ерда, бу жиҳатдин ул мавзеъ бу исмға мавсумдурким, тоғ домонаси жиҳатидин бу дарё андоғ тор оқарким, ривоят қилурларким, ул ердин така секригандур, мағлуб бўлиб иликка тушти. Яна Юнусхон яхшилик қилиб вилоятига рухсат берди” [1,10]. Ушбу жанг ҳақида муаррихлар Хондамир [2,25-26] ва Мирзо Ҳайдар [3,119-120; 4,157] ҳам деярли шундай маълумот қолдирганлар. Чиндан ҳам бу жангда Юнусхон тўла ғалаба қозонади ва Умаршайх мирзони асир олади. У нима учун Умаршайх мирзони озод қилиб ўз юртига қайтариб юборди, Фарғона водийсини ўз давлатига қўшиб олмади? Бунга бизнингча қуйидаги сабаблар таъсир қилган:

- кўчманчи мўғулларнинг Фарғона водийсида қолиши уларнинг аксарияти учун ҳам маъқул эмасди. Мўғул қабилалари учун Фарғона водийси талон-торож объекти сифатида мавжудлиги манфаатлироқ бўлган;

- Фарғона водийсининг мўғуллар қўлига ўтиши халқнинг қаттиқ қаршилигига олиб келар, водий шаҳар-қалъаларини узоқ қамал қилиш ёки штурм билан эгаллашга мўғул қўшинларининг тоқати йўқ эди;

- Фарғона водийсининг Мўғулистон ихтиёрига ўтиши Султон Аҳмад мирзо билан муқаррар тўқнашувга олиб келарди. Юнусхон учун Султон Аҳмад мирзо ва ўзининг мулклари ўртасида Умаршайх мирзо давлатининг бўлиши энг хавфсиз вариант эди.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, XV асрнинг 70-йиллари бошларида Мовароуннаҳрнинг шимоли-шарқий қисмида кучлар мувозанати кузатилди. Лекин Тошкент ҳокими Шайх Жамолнинг ўлдирилиши билан Самарқанд ҳукмдори Султон Аҳмад мирзо мавқеининг кучайиши Фарғона вилоятини қийин вазиятда қолдирди. Фарғона ҳукмдори Умаршайх мирзо эса Мўғулистон хони Юнусхон билан яқинлашиш орқали ўз мавқеини сақлаб қолишга интилди. Мўғул хонининг ўз манфаатлари йўлида Темурий мирзолар ўртасидаги низоларга аралашуви ўртадаги кучлар мувозанатини сақлаб турган бўлса ҳам, секин-аста ҳудудда Темурийлар таъсирининг пасайишига олиб келди. Бу билан XV асрнинг 80-йилларига келиб Тошкент, Сайрам ва Шоҳрухия шаҳарларининг мўғул хонлари қўлига ўтиб кетишига замин яратилди.

References:

1. Zahiriddin Muhammad Bobur. Boburnoma / Nashrga tayyorlovchi P. SHamshiev. – T.: Yulduzcha, 1989.
2. G'iyosiddin Bin Humomiddin Xondamir. Buyuklik xislati (“Bashar ahdi siyaratidan xabar beruvchi do'st” kitobining Zahiriddin Muhammad Bobur hayoti haqidagi boblari) / Fors tilidan tarjima, kirish va izohlar muallifi Ismoil Bekjonov. – T.: SHarq, 2011.
3. Mirzo Muxammad Xaydar. Tarix-i Rashidi // Vvedenie, perevod s persidskogo A.Urunbaeva, R.P.Djalilovoy, L.M.Epifanovoy, primechaniya i ukazateli R.P.Djalilovoy i L.M.Epifanovoy. – T.: Fan, 1996.
4. Muhammad Haydar Mirzo. Tarixi Rashidiy // So'z boshi va izohlar muallifi hamda tarjimonlar V. Rahmonov va Ya. Egamova. – T.: SHarq, 2010.
5. Ahmedov B. Temur va Qamariddin // Ahmedov B. Amir Temurni yod etib. – T.: O'zbekiston, 1996.
6. Azimjonova S. K istorii Fergany vtoroy poloviny XV v. – T.: Izd-vo AN, 1962.
7. Jalilov S. Bobur haqida o'ylar. – T.: SHarq, 2006.
8. Abdurazzoq Samarqandiy. Matlai sa'dayn va majmai bahrayn / Fors tilidan tarjima va izohlar muallifi, tarix fanlar doktori A.O'rinboev. – T.: O'zbekiston, 2008.
9. Bartold V.V. Oчерk istorii Semirech'ya. – F.: Kirgizgosizdat, 1943.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор)